



Материалы международной  
научно-практической конференции

**«РОЛЬ НАУКИ В РАЗВИТИИ  
СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА - 2023».**

(21-22 августа 2023)

**Юсупова Ф.М.**

**Чирчик давлат педагогика университети катта ўқитувчиси**

## **МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИ – ЗАМОНАВИЙ ФАН СИФАТИДА**

*Аннотация: Мазкур мақолада ўқитувчи компетентлилги, унинг маркибий қисмлари ва хусусиятлари рус тили фан ўқитувчилари мисолида ёритиб берилган. Мазкур масала маҳаллий ва хорижий мутахассислар илмий фикр ва фарашилари асосида аниқ хуносаларга келинган.*

*Калим сўзлар: компетенция, педагогик компетентлик, педагог.*

**Юсупова Ф.М.**

*Старший преподаватель Межфакультетской кафедры русского языка. Чирчикский государственный педагогический университет*

## **КОМПЕТЕНЦИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ОБЩЕНИЯ – КАК СОВРЕМЕННАЯ НАУКА**

*Аннотация: В данной статье освещаются компетентность учителя, ее компоненты и особенности на примере учителей русского языка. Этот вопрос основан на научных мнениях и гипотезах местных и зарубежных специалистов.*

*Ключевые слова: компетентность, педагогическая компетентность, педагогика.*

**Yusupova F.M.**

*Senior Lecturer at the Mayfaculty Department of the Russian Language.  
Chirchik State Pedagogical University*

## COMPETITION OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IS AS A MODERN SCIENCE

*Abstract: This article describes the competence of the teacher, its components and features on the example of Russian language teachers. This issue has come to clear conclusions on the basis of scientific opinions and opinions of local and foreign experts.*

*Keywords:* competence, pedagogical competence, pedagogue.

Турли хил маданият вакиллари ўзаро тўқнаш келишганда, қандай муҳит ва муносабатда бўлишидан қатъи назар, бу алоқа бир маданият доирасидаги ўзаро муносабатларга қараганда кўпроқ қийинчилик ёки тушунмовчиликлага сабаб бўлади, мазкур муносабат иштирокчиларидан кўпроқ билим, лаёқат талаб этилади. Чет элда маълум муддат истиқомат қилган ёки ўз мамлакатидаги бошқа маданият вакиллари билан мунтазам алоқада бўлган ҳар бир шахс маданиятлараро мулоқот муаммолари ва тушунмовчиликларидан хабардор. Борган сари қулоч ёзиб бораётган байналмиллалашув ва глобаллашув жараёнида кўпчилик инсонлар муайян муаммоларга айнан маданиятлараро ўзаро муносабатларда рўбаро келишмоқда. Бироқ, бу каби муаммо, қийинчиликларни қай тарзда бартараф этиш у ёқда турсин, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам аниқлаш имконсиз. Ксенофобия – бу маданиятлараро компетенция этишмаслигининг энг оғир оқибати саналса, халқаро аренадаги муваффақиятсиз бизнес битимлари, кўп маданиятли мактаб синфларидағи ўзаро алоқа муаммолари ва хорижий академик сафарларга нисбатан уйғонадиган умидсизлик маданиятлараро тушунмовчиликнинг эҳтимолий оқибатларидир. Бошқа маданиятлар билан алоқа қилиш орқали инсон ўз шахсияти ва умум хулқатвор компетенциясини бойитади, бу борада тажрибалар орттиради.

Маданиятлараро компетенция сүнгги ўн йил ичида, шубҳасиз, энг устувор компетенция даражасига күтарилди, бу глобаллашув, байналмиллашув ва мультикультурализм мунозаралари шароитида катта ахамиятга касб этмоқда. Иқтисодий глобаллашув ва илм-фаннынг байналмиллашуви, шунингдек, кундалик ҳаётда тобора ривожланиб бораётган мультикультурализм каби замонавий ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўзга маданият вакиллари билан муваффақиятли муносабатга киришиш ўзига хос нуқтаи назар ва қўникмаларни талаб қилмоқда. “Кўпмаданиятлилик”, “маданиятлараро компетенция” ва “маданиятлараро мулоқот”нинг замонавий шиорга айланишини мазкур мавзу бўйича тобора кўпайиб бораётган нашрлар сони кўрсатмоқда. Халқаро фаол топменежерлардан тортиб, бакалавр талабаларига қадар, тобора кўпроқ тармоқланган ва маданий дунёдаги ҳар бир инсон ўзга маданият вакиллари билан муваффақиятли мулоқот қилиш ва ўзаро алоқага киришиш қобилиятига эфтиёж сезмоқда. Маданиятлараро компетенциянинг ижтимоий ҳолати ва мазкур устувор компетенцияга бўлган кенг қизиқиш олий таълим тизимида ҳам фан (“Чет тилларни ўқитишида маданиятараро мулоқотни шакллантириш”, “Маданиятлараро мулоқот” ва шу к.) сифатида киритилишига туртки бўлди.

Маданиятлараро компетенция бу фанлараро компетенция, яъни у маълум бир таълим йўналишидан қатъи назар, кўплаб касбларда талаб қилинадиган асосий компетенциялардан биридир. Бу халқаро ҳамкорликни мақсад қилган менежерлар, шунингдек, чет элга юборилган муҳандислар, халқаро туризм соҳасида ишлайдиган ҳар бир киши, халқаро конференциялардаги олимлар, ўқитувчилар ва ижтимоий ходимлар учун ҳам ўта муҳимдир.

Маданиятлараро компетенция бу нафақат биз ҳар куни дуч келадиган, балки доимо зарур бўлган қобилият. Қолаверса, бу илмий тадқиқотлар предметига ҳам айланди. Соҳага оид адабиётларда ёзилича, маданиятлараро

компетенцияни ўқитиш бирор ёлғиз фан орқали амалга оширилмайди, бунинг учун турли фанлар ўртасида ҳамкорлик зарур. Дарҳақиқат, маданиятлараро мулоқот ва компетенция оид тадқиқотлар бошиданоқ фанлараро характерга эга бўлган. Ҳатто 1960-йилларда Шимолий Америкадаги дастлабки ёндашувлар (*intercultural* ёки *crosscultural competence/communication*, яъни маданиятлараро компетенция/мулоқот бўйича) турли фанлар, хусусан, психология ва тилшунослик натижаларига асосланган эди. Бугунги кунда маданиятлараро компетенцияни тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган фанлар доираси ижтимоий психология, тилшунослик ва иқтисоддан тортиб социология, педагогика ва антропология, фалсафа, маданиятшунослик ва филологияга қадар кенгайди (1-расм).



**1-расм. Маданиятлараро компетенция ўрганилаётган фан ттармоқлари ва амалий қўлланилаётган соҳалар**

Амалий ва илмий турли фан соҳаларида муҳим ҳисобланувчи кенг қамровли маданиятлараро мулоқотнинг талқини муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Жумладан, немис тилида сўзлашадиган мамлакатларда маданиятлараро компетенцияни таникли тадқиқотчиларидан бири,

ижтимоий психолог Александр Томас ушбу атамага қуйидаги таърифни таклиф этган: “Маданиятлараро компетенция идрок этиш, қарор қабул қилиш, хис қилиш ва шахс хулқ-атворида маданий шарт ва таъсир этувчи омил сифатида (ўз ва ўзгалар томонидан) ўз ва ўзга маданиятни тан олиш, ҳурмат қилиш, қадрлаш қобилияти сифатида намоён бўлади, бу орқали ўзаро ҳамкорлик, хатто ҳаёт тарзи, оламни англаш ва тўғри талқин қилиш борасидаги қарама-қарши нуқтаи назарларда ҳам бир-бирига мослашиш, бағрикенглик кайфиятида бўлишга эришилади”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда иккита асосий қўлланилиш соҳалари “маданиятлараро компетенция” тушунчаси билан боғланади: бунда чет эл ва она юрт, яъни халқаро ва маҳаллий ижтимоий ўзаро мулоқот. Халқаро – бу турли хил миллий маданиятлардан келиб чиққан шахслар орасидаги алоқа: ўзбек талабаси ўзга юртларда таълим олади ёки аксинча чет элликлар Ўзбекистонда. Маданиятлараро ўкув машғулотлари айнан шундай халқаро алоқа/мулоқот вазиятларига йўналтирилади.

Қатор фан соҳалари предметига айланагн маданиятлараро компетенция концепцияси шахсга ўзга маданият вакиллари билан муваффақиятли мулоқот қилишга имкон берадиган, ҳеч бўлмагандан, ўзга маданият вакиллари билан ўзаро муносабатга киришишга ёрдам берадиган индивидуал қобилият ва хислатларни қамраб олади.

## REFERENCES. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тер-Минасова С.Г. Изучение иностранных языков и культур на университете уровне // Вестн. МГУ. Сер. 19, Лингвистика и межкультурная коммуникация. - 1988. - №2. - С. 7-19.
2. Сафонова В.В. Проблема соизучения языков и культур в открытом обществе // Актуальные проблемы языкового образования в

<sup>1</sup> Томас А. Қиёсий маданий психология (Kulturvergleichende Psychologie). – Ҳогрефе. 2003. – 143 б.

России в XXI веке: Материалы Международной научно-практич. конф. — Воронеж, 2000. - С. 101-106.

3. Шейлз Д. Коммуникативность в обучении современным языкам. Совет по культурному Сотрудничеству. Проект №2. «Изучение и преподавание современных языков для целей общения». — Совет Европы Пресс, 1995. - 349 с.

4. Лукьянчикова М.С. Аспекты немецко-русской межкультурной компетенции // Межкультурная коммуникация: Сб. учебных программ. - М., 1999.-С. 287-290.

5. Лещенко А.И. Формирование профессиональной готовности учителя к реализации целостного педагогического процесса: Автореф. дис. д-ра пед. наук. - М., 1992.

6. Сухомлинский В. Сто советов учителю. - К., 1984. - 254 с.

7. Bennett., Castiglioni I. Embodied Ethocentrism and the Feeling of Culture. Thousand Oaks: 2004. –P. –263.

8. Gudykunst W. B. Toward a Theory of Interpersonal and Intergroup Communication: An Anxiety/Uncertainty Management (AUM) perspective // Intercultural Communication Competence. Newbury Park: 1993. –P. 33-71.

Юсупова Г.А., ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕТРАДИЦИОННЫХ ТЕХНИК РИСОВАНИЯ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА .....	102
Яннуров Э.Э., ИССЛЕДОВАНИЕ ПОНЯТИЙ И СТРУКТУРЫ ПОЛИТИЧЕСКИХ РЕЖИМОВ .....	111
Юсупова Ф.М. МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИ – ЗАМОНАВИЙ ФАН СИФАТИДА .....	119
Karimova Sh. Z. IMPROVING THE CUSTOMER SERVICE SYSTEM IN ELECTRONIC STORES IN THE DIGITAL ECONOMY SYSTEM OF UZBEKISTAN .....	125